Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 3-iyul, payshanba № 81 (3430)

Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани — Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!»** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, Республика дастуридан ўрин оладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Мазкур дастурни тузишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш;

мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш;

мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, ёш болаларни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур акс эттириш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизида турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириладиган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг кириш қисмида қайд этилган фикр ва ғояларни чуқур маъноли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онгига сингдириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийдир.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран акс эттириш зарур.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар — сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда август ойининг охирида «Энг улуғ, энг азиз», «Ватан учун яшайлик», «Сени куйлаймиз, замондош», «Ранглар жилосида — она диёр» каби кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 1 июл

2 июл — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

Давлат рамзлари эл-юртнинг ҳурлиги, миллий ғурур ва менталитети, шонли тарихи, маънавий-маданий бойлиги, урф-одат ва анъаналари, буюк мақсад ва эзгу орзу-интилишларини ўзида акс эттиради.

Истиқлолга эришгач, мамлакатимиз ҳам ўз давлат рамзларига эга бўлди. Бугун Ўзбекистон ўз Байроғи, Герби, Мадҳияси ва Валютасига эга.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Унда тасвирланган гуллаган водий узра нур сочаётган офтоб серқуёш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора. Баланд тоғлар оралаб оқаётган дарёлар — ҳаёт боқийлиги тимсоли бўлса, гербнинг сўл томонидаги буғдой бошоқлари халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлигидан, ўнг томонидаги қийғос очилган ғўза ифодаланган чамбар халқимизнинг оппоқ орзулари, эзгу ниятларидан далолатдир. Гербнинг юқори қисмида элу юртимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган.

Давлатимиз қудрати ва ҳурлигимиз рамзи

Гербимиз марказида бахт ва олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турибди. Бу халқимизга хос эзгу орзу-умидлар ифодасидир. Зеро, элимиз Ҳумони азал-азалдан бахт қуши сифатида тасаввур этиб келган.

Гербимиздаги ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинлик, фаровонлик каби орзу-умидларини ўзида намоён этади. Гербнинг пастки қисмидаги давлатимиз байроғини ифодаловчи чамбар бандига зарҳал ҳарфлар билан «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги тарихий Қонунда белгиланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари бинолари, чет эллардаги мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг пештоқида ўрнатилган. Республикамиз давлат чегараларидаги Давлат герби барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Ватан остонасидаги давлатимиз рамзини кўриб, беихтиёр қалбимиз энтикади, муқаддас заминимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ошади.

Давлат герби тасвири ҳар биримизнинг мана шу саховатли замин фарзанди, ушбу озод юрт фуқароси эканимизни тасдиқловчи фуқаролик паспортида ҳам акс эттирилган.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган.

Давлат рамзлари муқаддасдир. 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги»ги Қонунга мувофиқ, давлатимиз рамзларидан фойдаланиш қоидалари янада такомиллаштирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, мустақил Ватанимизнинг Давлат герби улкан ғоявий-тарбиявий аҳамиятга молик тимсол сифатида барчамиз учун қадрли ва муқаддасдир. Уни ҳар сафар кўрганимизда шундай бетакрор, ҳеч кимдан кам бўлмаган қудратли мамлакатда яшаётганимиздан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этамиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Соғлом авлод учун

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди болаларни соғломлаштириш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Кореялик шифокорлар иштирокида

Жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг «Save the Children» халқаро фонди, Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIH фонди, Ин Ха ва Пундан Ча университетлари госпиталларида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа касалликлар билан оғриган болалар бепул соғломлаштирилмоқда.

Фонд билан ўзаро алоқа ўрнатганига уч йилдан ошаётган Ин Ха университети госпитали малакали шифокорлари ўтган йили юртимизда бўлиб, 800 нафардан ортиқ аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишган эди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ушбу хайрли иш давом эттирилмоқда. Яқинда кореялик 15 нафар нефролог, педиатр, офталмолог, гастроэнтеролог, ортопед, нейрохирург, фармацевт каби мутахассислар иштирокида Фоннинг Тиббий-ижтимоий маркази, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани ва Навоий шаҳрида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Закийларнинг таъкидлашича, дунёдаги энг улуғ яхшилик бировга берилган беминнат ёрдамдир. Кўмагингизга муҳтож инсонга қилинган савоб эса баайни қақраб ётган ерга оби ҳаёт етказиш билан тенг: бундан ҳам қаршингиздаги инсон, ҳам ўзингиз баҳра топасиз.

— Касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир инсон кўнглида ана шундай жавоҳири бор фидойилардир, десак муболаға бўлмайди. Қувонарлиси, кейинги йилларда уларни юртдошларимизга янада яқинлаштирувчи робиталар, савоб қилиш учун имконият кўлами кенгайди. Энди ҳар бир аъзо яхши англамоқдаки, касаба уюшмалари муассасадаги муҳит барометри, раҳбар билан юзма-юз ҳолда ходимларнинг манфаатларини ҳимоялайдиган нуфузли ташкилотдир.

— Инсон доимий равишда ўз устида ишлаши, ҳар кунини янгиликлар, хайрли амаллар билан бойитиб бориши керак, — дейди дастлабки саволимизга жавобан Наманган вилоят КУТБ кенгаши раиси З.Маҳкамова. — Зеро, қанча-қанча кишилар тақдири бизнинг интилишларимиз, ташаббусларимиз ва фидойилигимизга боғлиқ.

Шу мақсадда доимий равишда фаолиятимизда янгилик қилишга, ҳар бир кунни саховатга йўғрилган ташаббуслар билан бошлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Зулайҳо Баҳриддиновна, кейинги пайтларда вилоят ижтимоий ҳаётида касаба уюшма ташкилотларининг янада фаоллашгани эътироф этилмоқда.

— Бу эътироф бизни янада масъулият билан ишлашга ундайди, албатта. Бирлашмадаги ҳар бир бўлим мудири ҳамда масъул ташкилотчилар услубий ва амалий ёрдам учун туманларга махсус жадвал асосида бириктириб чиқилди. Туманлар миқёсида тузилган мувофиқлаштирувчи кенгашлар ҳам ортиқча қоғозбозлик, тор қобиққа ўралиб қолиш каби иллатларга барҳам беришни тезлаштирди. Шунингдек, ҳар бир туманда бошланғичлар фаолиятини яхшилаш, намунали ташкилотлар сонини кескин кўтариш мақсадида бир кунлик семинар-тренинглар ўтказдик. Зеро, қўникма, малака ва билим эртанги кун учун ташланган энг оқилона қадамдир.

(Давоми 2-3 саҳифаларда).

МАҚСАДИМИЗ ЭЗГУ, НАТИЖА ҲАМ ШУНГА ЯРАША

дейди Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо МАҲКАМОВА

Касаба уюшмалари:

ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 3-iyul № 81 (3430)

Илмий-амалий семинар

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Миллий университети, ЮНЕСКОнинг МОСТ Дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий мувофиқлаштирувчи қўмитаси билан ҳамкорликда «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аёлларининг роли ва мавқеи» мавзусида давра суҳбатини ўтказди.

Аёллар роли ошди

Йиғилишда истиқлол йилларида барча соҳаларда аёлларнинг тутган ўрни ва ролида сезиларли ўзгаришлар юз бераётгани эътироф этилди. Халқимиз, айниқса, хотин-қизларга бахтли ҳаёт яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши учун барча имконият яратилгани таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 67 та, жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 6 та халқаро ҳуқуқий актларини ратификация қилди. Уларнинг аксарияти хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш муаммосига бевосита таллуқли.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази таҳлилчилар гуруҳи раҳбари, иқтисод фанлари доктори Н.Раҳимова «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон хотин-қизларининг роли» мавзусида маъруза қилди. Унда марказ томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаси асосида мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароит, аёллар ўртасида янгича фикр, янгича турмуш тарзи сезиларли даражада ошгани слайдлар орқали намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этиб, мавзу доирасида тизимда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

Семинар асноси жамиятда аёлларнинг роли ва мавқеини янада ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Анжуман

Фан – ишлаб чиқаришга

Бухоро муҳандислик-технология институтининг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Бу олимларимизнинг янги кашфиётлар устида иш олиб бориши, ёш мутахассисларга чуқур билим беришини таъминлабгина қолмай, ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Эришилаётган ютуқлар нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки хорижда ҳам эътироф этилмоқда. Бу ерда долзарб масалаларга оид йирик анжуманлар тез-тез ўтказилаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Яқинда мамлакатимиз ва бир қатор хориж илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган олимлар иштирокида «Ишлаб чиқариш ва таълимда инновацион ғоялар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, озиқ-овқат саноати корхоналари, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси олим ва мутахассислари, ёш тадқиқотчилар, талабалар ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Анжуман кун тартибидан ўрин олган ноорганик ва органик моддалар, озиқ-овқат саноати, нон ва қандолат маҳсулотлари, нефт ва газни қайта ишлаш технологияси, озиқ-овқат ва кимёвий ишлаб чиқаришнинг физик-кимёвий таҳлиллари, озиқ-овқат саноати жараёнлари ва аппаратлари, уларни компютерлаштириш ҳамда автоматлаштириш, қайта ишлаш тармоқларининг муаммолари, экологик хавфсизлик йўналишлари каби масалаларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар илмий изланишлар ҳосиласини бевосита ишлаб чиқариш билан узвий ҳолда давом эттириш, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, изланувчан, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

Анжуманда фаол иштирок этган ёш олим ва тадқиқотчилардан бир гуруҳи рағбатлантирилди.

Шукрулло ОЧИЛОВ,
Бухоро муҳандислик-технология институти касаба уюшма қўмитаси раиси

Эътибор

Битирувчиларга мадад

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом бола йили» дастуридаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига касаба уюшмалари маблағидан моддий ёрдам кўрсатиш, 2013 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича «Устоз-шогирд» тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги раёсат қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олмазор туман истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма кенгаши қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Яқинда Олмазор туман енгил саноат ҳамда Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежларида 2-босқични тугатиб амалиёт ўтаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, оилавий шароити оғир 35 нафар иқтидорли ўқувчиларига энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз

Кўрик-танлов

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгашига қарашли бошланғич ташкилотлар ўртасида «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Кейинги босқичга йўл

Баҳолаш якунларига кўра, Сирдарё вилоят хўжалик судининг катта маслаҳатчиси Низомиддин Сулайманов, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Сирдарё минтақавий филиали кредитлаш бўлими бош мутахассиси Диёр Тожиев, вилоят ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси муолажа хонаси ҳамшираси Назокат Камарова, «Ипотека банк» АТИБ вилоят филиали ипотека ва истеъмол кредитлари бўлими қошида намунавий уй жойларни кредитлаш шўъбаси бош мутахассис-инжинери Актам Исроилов, ДТ «Халқ банки» вилоят Сардоба филиали бошқарувчиси Фарҳод Маматов, вилоят ҳокимлиги ахборот маркази раҳбари Ортиқ Султанов, вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Абдуҳалил Исломов, вилоят давлат солиқ бошқармаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг бўлими давлат солиқ бош инспектори Ҳасан Худойбердиев, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчи кучлари бўлими бошлиғи Рустам Бойбеков томонидан тақдим этилган ҳужжатлар энг юқори кўрсатгичга эга бўлди ва улар танловнинг вилоят босқичига йўл олишди.

Ғ.ЖУМАБЕКОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Бу муқаддас Ватанда МАҚСАДИМИЗ ЭЗГУ, НАТИЖА

Наманган

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тренинглар давомида эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида устувор йўналишларимизни намунали тарзда бажариб келаётган бир неча бошланғичларда кўргазмали семинарлар ўтказишни ҳам бошлаб юбордик. Айниқса, Норин туманидаги 1-мактабда, Учқўрғон туманидаги педагогика коллежи ва «Муҳаммадризо Н. ўғли» фермер хўжалигида ўтказилган бундай тадбирлар ҳамкор ташкилотларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг фаолияти оммалаштирилиб, ютуққа эришиш йўллари таҳлил этилмоқда.

Амалга оширилган ишлар, ўтказилган семинарлар натижасида намунали бошланғичларимиз сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳозирда туманлар кесимида ҳар бир тармоқнинг 10 тадан бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти намунали йўлга қўйилган. Шунингдек, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан имзоланган қўшма қаророримизга асосан, вилоятда мавжуд тармоқ касаба уюшмасига аъзо барча бошланғичлар фаолияти босқичма-босқич тарзда намунали ташкилотга айлантириб борилмоқда.

— Шу ўринда яна бир хайрли ташаббус: касаба уюшмалари саъй-ҳаракати ва маблағи ҳисобига яратилаётган иш ўринлари, хусусан, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва уларнинг бугунги фаолияти хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ёшларни иш билан таъминлаш бугунги кундаги устувор вазифалардан биридир. ЎзКУФКнинг 2014 йил 17 февралдаги «Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда касаба уюшмаларининг иштирокини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

12 та ҳудудда бўш турган иншоотлардан унумли фойдаланган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали 50 га яқин янги иш ўринларини яратиш ғояси бу борадаги изланишлардан бири. Вилоятдаги ҳар бир туманда касаба уюшмалари томонидан намунали маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этишга эришилгани эса нафақат жамоат ташкилотининг, балки сервисга эҳтиёж сезаётган аҳоли ҳамда иш қидираётган ёшларнинг ҳам ютуғи бўлди.

Мақсадимиз ёшларни ишли қилишгина эмас, уларга бизнес қоидаларини ўргатиш, кейинчалик мустақил тадбиркорлик фаолияти юритишларига кўмаклашишдир. Уларга керакли жиҳозларнинг касаба уюшмаси томонидан олиб берилгани, ортиқча югур-югурлардан халос этилаётганининг бош сабаби ҳам шунда. Мазкур шохобчалар айни вақтда «бизнес инкубатор» вазифасини ўташидан умидвормиз.

— Кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган Мустақиллик иншоотлари юртимиз ҳуснига ҳусн қўшаётир...

— Бизнинг вилоятимизда ҳам ЎзКУФ маблағи ҳисобига қайта чирой очаётган масканлар кўпайиб бораётганлиги қувонарли.

Масалан, сўлим «Косонсой» санаторийсини ўзгача қиёфа касб этган масканлар сирасига киритиш мумкин. Бу тиббий масканда 220 ўринли ётоқхона, 300 ўринли замонавий ошхона биноси капитал таъмирланиб, дам олувчилар ихтиёрига топширилди. Санаторийнинг замонавийликка уйғунлашган ҳолда мукаммал миллий архитектура ечимини топганлиги ҳам ажойиб бўлди.

«Чортоқ» сиҳатгоҳида бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, фарзанди билан дам олувчиларга қулайликлар оширилди. Алоҳида корпус мукаммал таъмирланиб, дам олиш маскани имкониятлари янада кенгайтирилди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастур давлатимиз томонидан келажак авлод камолотига кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Унга мувофиқ республикада мавжуд оромгоҳлар моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, янги дам олиш масканлари барпо этилмоқда.

Хусусан, «Камалак» оромгоҳида 5 та ётоқ корпуси тўлиқ капитал реконструкция қилинди. Ошхона, маънавият, тиббиёт хонаси, киноклуб, бассейн, душхона, ҳожатхона тўлиқ таъмирланди. Йўлаклар асфалтланди. Ота-оналар учун шинам кутиш айвончаси барпо этилди. Бу каби бунёдкорлик ишларига 1,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Айни кунларда эса вилоятимиздаги «Норин» оромгоҳида 8 млрд. сўмлик бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

— Суҳбатимиз, табиийки, энг масъулиятли палла – болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавзусига тақалмоқда. Айтинг-чи, баркамол авлод вакилларининг ёзи кўнгилдагидек ўтиши учун қай жиҳатларга эътибор қаратилмоқда?

— Жорий йилда вилоятимизда 16930 нафар болажоннинг оромгоҳларда соғломлаштирилиши режалаштирилган. Соғлом бола йилида вилоятда 8 та шаҳардан ташқарида жойлашган болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатади, уларда 5420 нафар ўғил-қиз дам олдирилади. Вилоятдаги 60 та кундузги оромгоҳда эса 11510 нафар болалар соғломлаштирилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, оромгоҳларга жалб этиладиган болалар салмоғини кўпайтириш, уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш оромгоҳлар нуфузини янада юксалтириш ҳамда ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатни дам олиш билан бирга олиб боришини таъминлаш мақсадида вилоятда 10 та «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳлари ташкил этилди.

Ҳудуддаги барча оромгоҳлар «Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги Низом»га асосан мавсумга тайёр ҳолга келтирилди ва қабул комиссиясига топширилди. Оромгоҳлар тўла юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, идиш-товоқ, дори-дармон, ёқилғи, ювувчи ва зарарсизлантирувчи воситалар, маданий-маиший жиҳозлар, бошқа зарур анжомлар билан таъминланди ва болалар учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Болаларнинг дам олишларни мазмунли ташкил этиш мақсадида тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. «Баркамол авлод марказлари» мутахассислари, туманлардаги ахборот ресурс маркази ходимлари томонидан қўлланмалар асосида машғулотлар ва турли тад-

Оромгоҳ – 2014

«ТОҒ ШАЛОЛАСИ» БАҒРИДА

Бола — подшо, дейди доно халқимиз. Бу подшолик фақат ўйин-кулгидан иборат бўлмай, эртанги фаровон ҳаёт учун пойдевор бўладиган билим, ўзгаларга ҳам фойда келтира оладиган ҳунар ўрганиш учун имконият ҳамдир. Теранроқ ўйлаб кўрилса, зумда ўтиб кетувчи вақт биз катталар учун ҳам бир синов. Бугун сизу бизга умид-ла кўз тикиб турган ўғил-қизимизга ниманики илинсак, эртага шу ҳаракатлар ҳосилини оламиз. Масъулиятли мавсум давомида оромгоҳимиздаги ҳар бир ходимга шу ҳақиқатни сингдиришга ҳаракат қиламан.

Бизнинг «Тоғ шалоласи» оромгоҳи Чуст туманидаги Оғасарой қишлоғида жойлашган бўлиб, болажонларнинг севимли ва қадрдон масканига айланиб улгурган. Бунинг ортида, албатта, 28 нафар ходимнинг тинимсиз меҳнати турибди.

Болалар орасида ўзимиз ҳам болага айланиб қолгандек бўламиз. Асосий масъулиятни унутмаган ҳолда улар билан куну тун бирга бўлиш, руҳини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Ота-онаси умид ва ишонч билан жўнатган болаларга жавобгарлик ҳисси ҳар қандай инсонни фидойига айлантириши табиий. Бундай шароит ва ғамхўрлик муҳитида лоқайд бўлишнинг ўзи энг катта хато бўлса керак. Шукрки, оромгоҳда яратилган шароит болажонлар учун жуда маъқул келган.

— Ҳар биримиз қизиқишимиз бўйича тўгарак машғулотларида қатнашмоқдамиз, — дейди дам олувчилар номидан Азизбек Турғунов. — Бу ердаги шароит, тарбиячи ва етакчиларнинг бизга эътибори аъло даражада. Шунинг учун ҳам «Тоғ шалоласи»га иккинчи бор келишим.

Азизбек Уйчи туманидаги 6-мактабда таҳсил олади. Отаси Аҳмаджон Мирабдуллаев туман йўл хўжалиги, пудрат, таъмирлаш, фойдаланиш корхонасида хизмат қилади. Аҳмаджон ака сингари вилоят транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари ташкилотлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасига аъзо ҳамюртларимизнинг 160 нафар фарзанди 2-мавсумда мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Азизбек ёш бўлишига қарамай, катта ютуқларга эришган. 2012 йилда кикбоксинг бўйича Тошкентда ўтган халқаро мусобақада 3-ўринни, 2013 йилда Марғилон шаҳри мезбонлик қилган Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни қўлга киритган. Пенчак силат бўйича 2013 йилда Украинада ўтказилган Евроосиё очиқ кубогида ҳам мутлақ ғолиб сифатида эътироф этилган.

Азизбек иккинчи мавсумда ҳордиқ чиқараётган болажонларнинг чин маънодаги ҳавасига сазовор бўлмоқда. Чунки 11 ёшида спортдаги муваффақиятлари туфайли дунё кезиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Азизбек мисолида истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар, келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини болажонларга етказишга ҳаракат қилмоқдамиз. Болажонлар онгига ўзликни, миллатни англаш, «Мустақиллик», «Ватан» каби буюк тушунча ва туйғуларни етказиш, Ватанни асраш, унинг юксалишига ҳисса қўшиш, «Аввал Ватан, кейин мен» ғояларини сингдириш асосий мақсадимиздир.

Мунира АБДУЛЛАЕВА,
Чуст туманидаги «Тоғ шалоласи» оромгоҳи директори,
Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III Республика Форумининг «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи» номинацияси ғолиби

Туризм

Республикамизда туризмни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўз тарихини билмаган инсон келажак сари дадил қадам ташлай олмайди.

Қолаверса, туризм иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бўлиб, туризмни ривожлантириш, туристик хизматлар кўрсатиш сифатини замон талабига мос равишда ташкил этишда касаба уюшмалари фаол иштироки таъминланаяпти. Касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ва хизмат кўрсатиш объектлари имкониятидан самарали фойдаланиш, хизмат турларини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий туризмни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЮРТ ЖОЗИБАСИ

Сайру-саёҳатлар киши кўнглига ўзгача шавқ бағишлаши айни ҳақиқат. Чунки бунда жисм ором олиб, руҳият тозаради. Агар у жамоа бўлиб амалга оширилса, соғлом маънавий муҳит барқарорлашиб, касбий алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида ходимлар туризмига катта эътибор қаратилаётганининг бош сабаби ҳам шунда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳар бир тармоқда ички, ташқи ва тиббий туризмини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Шу асосда корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларига меҳнаткашларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш-спорт ишлари ҳамда саёҳатларни ташкил этишга оид алоҳида бўлим киритилишига эришилмоқда. Натижада, мазкур ҳужжат орқали иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида ижтимоий ҳимояталаб ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари, фахрийларнинг тарихий шаҳарларга саёҳати уюштириб борилмоқда.

Жорий йилда тармоғимиз бўйича 650 нафар ходим билан жамоавий саёҳатлар уюштириш режалаштирилган бўлиб, шу вақтга қадар 512 нафар фаоллар ва фахрийларимиз ҳудудлардаги диққатга сазовор жойлар, тарихий қадамжоларда зиёратда бўлишди. Шу ўринда бизга «Касаба сайр» шўъба корхонасининг хизматлари катта қулайлик яратиб бераётганини таъкидлаш ўринли. Яқинда тармоғимизда меҳнат қилаётган фаоллар ҳамда фахрийлардан иборат 40 кишилик делегация қадимий шаҳарларимизни зиёрат қилиш бахтига сазовор бўлди.

Саёҳат давомида тарихий масканлар билан танишиш билан бирга, аждодларимиз закоси намойиши бўлмиш тарихий обидаларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга обод ҳолда етказиш борасида Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини ўз кўзимиз билан кўришга муяссар бўлдик.

Одилжон НАСТИНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилоятидаги масъул ташкилотчиси

ЎзА суратлари

азиздир инсон!

ВИЛОЯТИ

бирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, барча стационар оромгоҳларда «Салом оромгоҳ, янги дўстларим!» тадбирлари, «Биз — соғлом келажак», «Моҳир қўллар», «Зардўзлик», «Ёш рассомлар», «Биз Ўзбекистонимизни асраймиз» мавзусида асфалтга расм чизиш мусобақалари, «Инглиз тили сабоқлари», «Маънавият — қалб қуёши» каби тураж ратилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 120 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилашни жорий этишга эришилди.

«Билими зўр мингни йиқар», дейди доно халқимиз. Бугун жаҳонни теран ақл ва мислсиз шижоат билангина лол қолдириш мумкин. Шу-

ҲАМ ШУНГА ЯРАША

ли мавзулардаги тадбирлар, ёш шоирлар билан ижодий учрашувлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

— Гувоҳи бўлиб турибмизки, вилоят КУТБ томонидан Давлат дастури ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилаётир.

— Ўтган давр мобайнида меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоя этиш, турмуш шароитини яхшилаш, фаровонликни давомли қилиш учун тизимли тадбирлар амалга оширилди.

Бирлашма кенгаши қошида ташкил этилган юридик маслаҳатхонада 81 нафар, «Ишонч телефони» орқали 29 нафар фуқарога бепул ҳуқуқий ёрдам берилди.

33 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун фоизсиз ссуда нинг учун ҳам касаба уюшмалари ёшларнинг таълим олиши, ўз касбининг моҳир устаси бўлишига алоҳида эътибор бераётир. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 61 нафар талаба учун 97,6 млн. сўм ўқув шартнома пуллари тўлови амалга оширилди. 1812 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисига 20 фоизли моддий ёрдам кўрсатилди. Корхоналар ходимларининг 250 нафар фарзандига чет тилларни ўрганишда моддий кўмаклашилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул равишда кам таъминланган, кўп болали оила вакили бўлган 14 нафар ва фарзанд кўриш орзусида бўлган 7 нафар ишловчи аёллар «Умид гулшани» санаторийсида имтиёзли соғломлаштирилди. Шунингдек, тиббиёт ходимларидан 7 нафари, таълим ходимларидан 8 нафари бепул саломатликларини тиклашди.

— Амалга оширилаётган ишлар аъзолар сонининг ортишига, нуфузли жамоат ташкилоти сафлари кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиз...

— Дарҳақиқат, жорий йилнинг шу пайтига қадар 400 дан ортиқ нодавлат корхонаташкилотда хизмат қилувчи 9000 га яқин юртдошларимиз бизга ишонч билдириб, сафимизни кенгайтиришди. Фаолиятимизда Юртбошимизнинг: «Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, ҳар биримиз ўз жойимизда астойдил меҳнат қилсак, Ватанимиз равнақи ва тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшсак, мен ишонаман — олдимизда турган вазифалар қандай улкан ва мураккаб бўлмасин, биз кўзлаган эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз» деган сўзлари ҳар биримизга дастуруламал бўлмоқда.

Бугунги ёшлар

Болалигимизданоқ «Касби бор одам бахтли одам, ҳунари бор эса икки карра бахтиёрроқдир» деган ўгит қулоғимизга қуйиб келинган. Тўплаган ҳаётий тажрибам давомида бу ҳақиқатга кўп марта амин бўлдим.

ТАШАББУС — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Тиббиёт коллежида таҳсил олиб юрган кезларим шаҳримиздаги ўқув марказида пазандачилик йўналишида ҳам малака ҳосил қилдим. Аста-секин қариндош-уруғ, таниш-билишлар турли пиширқларга буюртмалар бера бошлашди. Мижозларнинг мақтов сўзлари мени янада илҳомлантирар, ён-атрофимиздаги қизларнинг эса пазандачилик сирларини эгаллашга қизиқиши ортарди. «Менга ҳам ўргатинг» дегувчилар кундан-кунга ортиб борди. Бироқ фаолиятимни кенгайтиришга иштиёқ бўлгани билан шароит йўқ эди. Шундай кунларнинг бирида Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Саломатхон опа бувимни йўқлаб келиб қолди (бобом ҳам, бувим ҳам нафақадаги врач, касаба уюшмаси фаоллари уларнинг ҳолидан доим хабар олиб туришади). Менинг қизиқишимни эшитиб, «Зуҳра, туман касаба уюшмалари биргалашиб, маҳалладаги бўш турган бинони таъмирлатаяпмиз. Унда сен каби коллежни тамомлаган, қўлида ҳунари бор ёшларни иш билан таъминлашни ният қилганмиз. Истасанг, сен ҳам ўз бизнесингни юритишинг мумкин», деб қолди.

Дарҳақиқат, қисқа вақт ичида маҳалламиздаги ташландиқ бино қайта чирой очди. Тикувчилик йўналишида Назира Давлатова, гўзаллик салонида Умида Сирочева, электр жиҳозларини таъмирлаш устахонасида Одилжон Ортиқов ва мен пазандачилик йўналишида аҳолига арзон ва сифатли хизмат кўрсатишни бошладик.

Шохобчанинг очилиш маросими катта байрамга айланиб кетди. Унда Ширин ҚФЙда яшовчилар, Косонсой педагогика ва тиббиёт коллежларининг битирувчилари қатнашди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Л.Ғаниев, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси И.Шарофиддинов сўзга чиқиб, касаба уюшмаларининг ёшлар манфаатига йўналтирилган фаолияти, коллеж битирувчиларининг ишга жойлашишида қонунчиликда назарда тутилаётган имтиёзлар хусусида маълумот беришди. Маросимнинг яна бир муҳим ютуғи касаба уюшма фаолларининг саъй-ҳаракати ўлароқ коллежни тамомлаётган 7 нафар битирувчининг иш билан таъминлангани бўлди. Уларга шу ернинг ўзида меҳнат дафтарчалари топширилди.

Бугун шохобчамизнинг гавжум ҳаёти, рўзғоримизга инган барака, хизматимиздан фойдаланаётган қишлоқдошларимизнинг мамнун қиёфасига боқиб, касаба уюшмалари томонидан барпо этилаётган эзгулик боғлари ҳамиша гуллайверсин, дея ният қиламиз. Зеро, буларнинг ҳаммаси эл фаровонлигига хизмат қилади.

Зуҳра АБДУЛЛАЕВА,
Косонсой тумани

«Ҳамшира — 2014»

УМИДА ҒОЛИБЛАР САФИДА

Касаба уюшма аъзосининг ҳар бир ютуғи бевосита ташкилотнинг ҳам муваффақиятидир. Ҳамшира қизимиз Умида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақият қозониб, бизга шундай қувончни ҳадя этди.

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган мазкур тадбир тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ҳамширларнинг касб маҳоратини оширишга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган ҳамширалар ўзаро беллашишди.

Наманган вилояти шарафини Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Умида Обидова ҳимоя қилди. Танлов жараёнида ўзининг фаоллиги, иқтидори ва билими билан яққол кўзга ташланган Умида республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Танлов иштирокчи ва ғолибларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЎзКУФ, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди. Танловнинг энг муҳим мукофоти эса шоҳсупани забт этган уч нафар ҳамширага насиб этиб, улар Тошкент Давлат тиббиёт академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадиган бўлди.

— Биз эришаётган ғалабаларда касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор, — дейди Умида Обидова. — Мазкур ташкилот саъй-ҳаракати сабаб намунали шароитда ишлаш билан бирга, ўз билим ва тажрибамизни оширишга, маънавий ва маърифий дунёқарашимизни юксалтиришга эришмоқдамиз.

Аббосхон МАМАДАЛИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Шукрона

Интилувчан, ватан тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшиш йўлида тинимсиз изланаётган ёшлар фидойи ёшлар орасида бор эканлигим, улар билан елкама-елка юртимиз тараққиётига хизмат қилаётганимдан бахтиёрман. Шундай дориламон кунларда, инсон қадри ҳамма нарсадан устун заминда яшаётирмизки, шунинг ўзиёқ БАХТ тушунчасини онгимизда мустаҳкамлайди.

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИМАН

Мен истиқлол тенгдошиман. Не бахтки, ўз меҳнат маҳсулим билан юрт кезишга, интилишларимга муносиб равишда Ватаннинг юксак мукофотларини олишга улгурдим.

2007-2011 йилларда Наманган муҳандислик технология институтининг иқтисодиёт факултетида таҳсил олдим. Таълим олиш баробарида олий ўқув юрти миқёсидаги кўпгина танловларда қатнашдим, иқтидоримни синаш имкониятига эга бўлдим. 2010 йил охирларидан «Водий ёғоч савдо» хусусий корхонасида фаолият бошладим. Ҳозирда шу корхонанинг раҳбари сифатида ишлаб чиқариш линияларини кенгайтираяпман.

Асосан Наманган туманида истиқомат қилувчи коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаган корхонамизнинг трикотаж маҳсулотлари тўлиғича экспорт қилинмоқда. Янги дизайнлар устида изланмоқдамиз. Республика миқёсидаги ярмаркаларда корхонамиз маҳсулотлари муваффақият билан намойиш этилаяпти. Тўрт киши билан иш бошлаган жамоамизда ҳозирда 40 нафардан ортиқ йигит-қиз бор.

Наманган муҳандислик технология институти билан корхонамиз ўртасида шартнома имзоланган. Унга мувофиқ, талабалар амалиёт ўташ учун «Водий ёғоч савдо» ХКга келиши, ташаббус кўрсатиб ишлаши, амалиёт вақтида фаоллиги билан ажралиб турганлар эса шу ерда иш билан таъминланиши мумкин.

Фахр билан таъкидлайманки, Юртбошимизнинг 2012 йил 30 сентябрдаги вилоятга ташрифи чоғида улар билан юзма-юз бўлишга, суҳбатларини олишга сазовор бўлганим ҳаётимдаги энг улкан воқеадир. Президентимизнинг шаҳардаги «Ёшлар маркази»да бир гуруҳ иқтидорли тенгдошларим билан суҳбат чоғида айтган: «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Энг муҳими, сиз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканингизни доимо чуқур ҳис этиб, улуғ аждодларимизга муносиб бўлишга интилиб яшашингиз даркор», деган пурмаъно сўзлари ҳаётий шиоримга айланди.

Меҳнатим ортидан «Ёш тадбиркор — элга мададкор» каби нуфузли танловда ғолиблик нашидасини сурдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор», республика босқичида эса «Энг ёш тадбиркор» сифатида эътироф этилганим қалбимни фахрга тўлдирди. Яқинда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган «Ёш мутахассислар» Форумда иштирок этдим.

Очиғи, касаба уюшма ташкилотларининг корхонамга олиб кирган ўзгача ҳавоси, жамоамиздаги ишчи-ходимларнинг орзу-интилишига кўрсатган ижобий таъсиридан мамнун эдим-у, бу ташкилотнинг биз каби мутахассисларни қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларидан хабарим йўқ эди. Танлов давомида тажрибамни янада оширишга эришдим. Шунингдек, корхонамиз ютуқларидан ўрганишни хоҳловчилар, ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйишни мақсад қилган тенгдошларим билан фикр алмашдик.

Вилоятимиз бўйича «Энг фаол ёш тадбиркор» сифатида эътироф этилишим шижоатимга шижоат қўшди. Вақтдан-да илдамлаш учун ҳеч қандай тўсқинлик бўлмагандан кейин шароитдан унумли фойдаланмаслик мумкинми?! Қанча кўп излансак, илдамласак, Ватанимиз шу қадар тез суръатлар билан тараққий этиб бораверади.

Исломбек ҚУТБИДДИНОВ,
«Водий ёғоч савдо» ХК раҳбари

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА тайёрлади

Реклама ва эълонлар

«GOLDEN BUILD TRADING» МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Бухоро тумани ҳокимининг 2014 йил 7 мартдаги 169-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро тумани Дехча МФЙ, Дехча қишлоғи ҳудудидан 1 (бир) та 300,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 155 363,5 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танлов ташкилотчиси — «GOLDEN BUILD TRADING» МЧЖ. Танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Ҳамза кўчаси 14-уй. Тел: (+99893) 960-71-21, (+99895) 604-71-21, электрон почта: g_b_t@list.ru. Веб-сайт www.gbt.uz **Лицензия № RR 0117.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 4 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пешқў туман ҳокимлиги биносида 2014 йил 5 август куни соат 11.00 да очилади, 2014 йил 5 август куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 5 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йилнинг 5 сентябр куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 04 сентябр куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро туман ҳокимлиги биносида 2014 йил 5 сентябр куни соат 11.00 да очилади, 2014 йил 5 сентябр куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: **АТБ «Турон банк» Бухоро филиали х/р: 20208000904953182003, (ОКОНХ: 83200, МФО: 00111, ИНН: 302118823).**

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Ҳамза кўчаси 14-уй.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг 2014 йил 8 майдаги №1655/02-07-сонли хати, Давлат рақобат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 30 июндаги № 143-а/ф сонли буйруғи ҳамда Давлат рақобат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 30 июндаги № 01-05/2118-сонли буюртманомасига асосан Давлат рақобат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасига тегишли, Термиз шаҳар М.Қошғорий кўчаси 36-^ уй манзилида сақланаётган ГБАСНГ НЕКСИЯ русумли, д/р 75 867 GAA бўлган, 2004 йилда и/ч носоз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси 8 561 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 7 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 7 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 22 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 7 август учун 2014 йил 5 август ва 2014 йил 22 август куни учун 2014 йил 20 август куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. *25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.*

Хизматлар лицензияланган.

Бухоро шаҳридаги 2-стоматология поликлиникаси 98 мингдан ортиқ аҳолига хизмат қилади.

Замонавий тарзда жиҳозланган шифо масканининг даволаш, профилактика, терапия, ортопедия, тиш жарроҳлиги, эндодонтия каби бўлимларида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган.

Суратда: ҳамшира Гулруҳ Қулмуродова иш пайтида.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Табиат дорихонаси

САРИМСОҚ МИКРОБГА ҚАРШИ

Саримсоқпиёз гарчи аччиқ ва ёқимсиз ҳидли бўлса-да шифобахшликда жуда ноёб дори ҳисобланади. Чунки, у танани микроблардан муҳофаза қилиш хусусиятига эга. Профилактика сифатида саримсоқпиёз еб юрганларга шу боис грипп ва вирусли касалликлар унча-мунчага яқинлашолмайди. Яна бир хусусияти борки, саримсоқпиёз билан «дўст»лашганларга ҳуснбузар чиқмайди.

Грипп мавсумида касаллик юқтирмаслик учун саримсоқпиёз еб юриш тавсия этилади.

ПЕТРУШКА ЕСАНГ...

Доноларимиз бежиз бир боғ петрушкани бир сиқим тиллога тенглаштирмаганлар. Петрушка нафақат гўштнинг лаззатли пишиши, таомнинг хушхўр бўлишини таъминлайди, балки одамларга саломатлик бағишлайди. Негаки, унинг таркиби С витамини ва минерал сувларга сероб.

Агар оғзингиздан нохуш ҳидни кетказмоқчи бўлсангиз, овқатдан сўнг петрушканинг бир шохчасини яхшилаб чайнанг. Бунда нохуш ҳиддан қутулиш баробарида унинг таркибидаги витаминлардан ҳам баҳраманд бўласиз. Айниқса, милклар шамоллаганда ва қонаганда петрушка чайнашнинг фойдаси катта.

Шифокор огоҳлантиради

Ёзнинг жазирама иссиғи ҳаммага ҳам ёқавермайди. Хўш, ёзнинг ёқимсиз асоратлари таъсирини камайтириш учун нималарга эътибор қаратиш даркор? Жазирама иссиқнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун нима қилиш керак? Иссиқ кунларда тўғри ва оқилона овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олиш учун қандай омиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ? Бу каби саволлар билан олий тоифали шифокор Нурулла ШАРИПОВга мурожаат қилдик.

ЎЗИНИ АСРАГАННИ...

— Инсон саломатлиги, умрнинг узунлиги атроф-муҳитнинг барқарорлигига боғлиқ. Мутахассисларнинг эътироф этишларича сайёрамиз ҳарорати бир мунча кўтарилган. Бу эса экологик муаммолар билан бирга, инсон саломатлигининг ёмонлашувига сабаб бўлаётир.

Тириклик манбаи бўлган қуёш нуридан барча мавжудот баҳра олади. Аммо бунда меъёрга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Қуёш нурини кони фойда, деб эртадан кечгага офтобга тобланиш зарарли оқибатларни келтириб чиқаришини ҳамиша ёдда тутиш керак. Эрталаб соат 9 дан 11 гача, сўнгра кечки соат бешдан қуёш ботгунча офтобда тобланиш тавсия этилади.

Эндигина бош кўтарган қуёш саломатлик учун кони фойда. Бундай пайтда инсон танаси офтоб нуридан баҳра олади. Заррин нурлар майин шабада билан қўшилиб танага шифо бағишлайди. Бу эса кайфиятни кўтарадиган гормонлар ҳосил бўлишига замин яратади. Қуёшдан олдин уйғониб, янги кунни қаршилаш ҳам аслида халқимиз даҳосининг ёрқин намоёнидир. Унинг замирида тиббий ҳикмат яширинган. Негаки, меъёрида қабул қилинган офтоб нури қон айланишини яхшилаб, танада моддалар алмашинувини 14 фоизга оширади. Чошгоҳ палласида чўмилиш ҳам соғлик учун жуда фойдали. Аммо шуни унутмаслик керакки, кучли офтоб нури терини қуритади, унда турли доғлар, сепкил ва таъсирланиш пайдо бўлишига, энг ёмони, саратон хасталигига мойилликни оширади. Қуёш нури таъсирида ҳаддан зиёд ўтириш эса иммунитетни пасайтириб, турли касалликларга чалиниш эҳтимолини кучайтиради.

Шуни ёдда тутиш керакки, терингизда турли холлар мавжуд бўлса, офтобга тобланишдан аввал онколог, қалқонсимон без фаолиятида муаммо бўлса эндокринолог, қон босими юқори ва стенокардия билан оғриганлар кардиолог шифокорга мурожаат қилишлари зарур. Шунингдек, буйрак усти бези фаолияти бузилганда, ўпка, тери касалликларида ҳам офтобда тобланиш тавсия этилмайди. Ҳомиладор ва климакс жараёнини бошидан кечираётганлар ҳам қуёш нуридан эҳтиёт бўлишлари керак.

Офтоб нурининг салбий таъсиридан сақланиш учун табиий матодан кийим кийиш, кўпроқ мева, сабзавот маҳсулотлари, творог, қайнатилган гўшт, гречка, ундирилган дон маҳсулотлари истеъмол қилиш зарур. Смородина, киви, булғор қалампири истеъмол қилиш қуёш таъсирида терида С витамини камайишининг олдини олади. Шу билан бирга, салқин ичимликлар, тоза сув, шарбат ичиш тавсия этилади.

Ҳароратнинг юқори бўлиши одам организмига салбий таъсир кўрсатиб, унинг касалликларга қарши курашиш қобилиятини пасайтиради. Яна шуни ҳам ёдда тутиш керакки, чанқоқни босиш учун кўп суюқлик ичганда, меъда ширасси суюлиб, микробни тўсиб қолиш ва зарарсизлантириш хусусиятини йўқотади.

Ёзда, айниқса, озиқ-овқатдан заҳарланиш кескин ортади. Энг ёмони, ҳаво ҳарорати юқори бўлган сари сув, сабзавот, сут, гўштда касаллик пайдо қиладиган микробларнинг кўпайиши учун қулай шароит юзага келади.

Ҳароратнинг кўтарилиши бактерия ва микробларнинг кўпайишига замин яратади. Бироз туриб қолган қаймоқ, қатиқ, сомса, котлет, тухум, тортдан заҳарланиш мумкинлигини ҳамиша эсда тутинг. Касаллик қўзғатувчи микроблар овқат орқали ошқозонга тушгач, у ерда кўпаяди. Натижада, организм учун зарарли моддалар ҳосил бўлиб, танадаги турли аъзоларга таъсир қилади ва касаллик белгилари пайдо бўлади. Бу хасталикнинг яширин даври бўлиб, 2-3 ҳафтагача давом этиши мумкин.

Хасталик бемор аҳволининг оғирлашуви, ҳароратнинг кўтарилиши, кўнгил айниш, қусиш, ич кетиш билан бошланади. Қориннинг юқори қисми дам бўлади, қуриллаш, кучли оғриқ кузатилади. Кўп қайт қилиш, ич кетиши беморни дармонсизлантиради. Териси ва тили қуруқлашади, қон босими тушиб кетади, юзнинг оқариши, баъзида қўл-оёқнинг тортилиши кузатилади.

Шунингдек, қаттиқ бош оғриғи, титраш билан бирга ҳарорат 38-39 даражагача кўтарилиши мумкин. Хасталикнинг оғир ва енгил ўтиши ёшга боғлиқ: кексалар ва болаларда оғир кечади. Заҳарланганда беморлар албатта шифокор назоратида бўлиши, касаллик сабаблари аниқланиши лозим.

Овқатдан заҳарланган бемор кўп миқдорда қайнаган сув ичиши, меъдани тозалаш мақсадида фаоллаштирилган кўмир эритмаси, туз сургилар, канакунжут мойидан фойдаланиши керак.

Беморларни, айниқса, болаларни уй шароитида даволаш, билиб-билмай дуч келган антибиотикларни қўллаш мумкин эмас.

Заҳарланишнинг олдини олиш учун ҳар бир киши аввал касалликнинг қандай юқишини билиши, ўзини ва яқинларини хасталикдан ҳимоя қилиш ҳақида ўйлаши шарт. Бунинг учун мева-сабзавотлар, қўкатларни яхшилаб тоза ёки қайнатилган сувда ювиб истеъмол қилиш, овқат ейишдан аввал қўлни совунлаб ювиш зарур. Қайнамаган сув ичиш мумкин эмас. Тайёр таомлар — гўштли, балиқли, винегрет, майонез солинган салатлар, тузламалар, консервалар, торт хона ҳароратида 3-4 соат сақланиши зарур. Тайёр гўштни сақлаш муддати унинг қандай тайёрланишига боғлиқ. Қайнатиб пиширилган, қиймаланган гўшт совуткичда 0-8 даражада сақланади. Олий навли, қайнатилган колбаса, сон гўшти ва сосискалар 72 соат, 1-, 2-, 3-навлилари 48 соат, тузланган балиқ 10 кун сақланади. Қайнатилган сут 2 кунгача, қаймоқ, қатиқ 2 кун, творог 36 соат, пишлоқ 2 кун, сариёғ 10 кунгача, тухум 6 кунгача сифатли сақланиши мумкин. Мева- сабзавотларни сақлашга келсак, сотиб олингандан кейин 12-24 соат ўтганда малина ачишни бошлайди. Пишган нок, олма, апелсин хона ҳароратида 2-3 кунгача сақланади. Ювилган сабзи 12 соатдан сўнг ирий бошлайди.

Ҳатто, иссиқ ва нам жойда сақланган картошкада заҳарланишга олиб келадиган модда кўпаяди. Шунинг учун картошкани салқин, қоронғу, қуёш нури тушмайдиган ертўла, омборхоналарда сақлаш мақсадга мувофиқ. Совуткичда сақланган сабзавот ва меваларни вақти-вақти билан кўздан кечириб, пўстида доғлар ва бошқа бузилишлар бўлса, ортиқ сақламаслик керак.

Ёзда, айниқса, дизентерия касаллиги кўп кузатилади. Уни касаллик қўзғатувчи микроблар келтириб чиқаради. Микроб соғлом одам организмига оғиз орқали, ифлосланган сув, озиқ-овқат, болаларга кўпинча ифлос қўллари орқали ўтади. Хасталик аксарият ҳолларда пашша ва чивинлар воситасида, шахсий гигиенага риоя қилмасдан овқатланиш, қайнатилмаган сув ичиш, меваларни ювмасдан ейиш, дуч келган ҳавзада чўмилиш оқибатида юқади. Бу микроб асосан гўшт, сут ва тухумда бўлади. Гўштни оштахтада тўғраганда, қиймалагичдан чиқарганда ювилмаган ифлос қўл орқали ўтади. Шу боис гўшт тўғрайдиган оштахта ва пичоқ, қиймалагични алоҳида қўйиш, ишлатиб бўлгандан кейин яхшилаб ювиб, қайноқ сувда чайиш керак.

Ёз кунлари ошхонага алоҳида эътибор бериш, жиҳоз ва сочиқлар, ҳатто деворларни ҳам тез-тез ювиш зарур. Бунда таркибида хлор бўлган тозалаш воситаларидан фойдаланилади. Қолаверса, гўштда микроб ривожланиш хавфи кучли бўлгани учун уни совуткичда 5 кун, қиймани 2 кундан ортиқ сақламаслик керак. Ҳатто музлаткичда ҳам гўштни 2 ҳафтадан ортиқ сақлаш мумкин эмас. Музлаган гўштни эритиш учун сувга солиш ярамайди. Чунки бунда гўшт таркибидаги микроблар кўпаяди.

Микроблардан заҳарланиш касалликлари орасида ботулизм энг хавфли ҳисобланади. У иссиқда қолган овқат, колбаса, баъзан тузламанинг қопқоғи шишиб қолган бўлса-да истеъмол қилишдан келиб чиқади. Заҳарланган одамнинг дизентерияда бўлгани каби кўнгли айнийди, қайт қилади, ичи кетади, қорни оғрийди, томоғи қуриб, ҳолсизланади, боши айланади. Ана шундай ҳолат кузатилса, дарҳол «тез ёрдам» чақириш керак. Чунки, ботулизм оддий заҳарланиш эмас, бир неча соатдан кейин беморда кўз хиралашиши, нафас олишнинг қийинлашиши, қўл-оёқнинг фалаж бўлиши кузатилади. Бунда ҳаётдан кўз юмиш, бир умр кўр бўлиб қолиш ҳам мумкин.

Ёзнинг иссиқ кунида йўлнинг четида сотилаётган айрон, ўрик шарбатидан истеъмол қилиш ярамайди.

Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» мухбири

Ўқинг, қизиқ!

Инсон организми бир сонияда 15 миллион эритроцитларни яратади ва ўлдиради.

***

Одамнинг кўрсаткич бармоғи бошқаларидан кўра сезувчандир.

***

Киши овқатланаётганда эшитиш қобилияти сусаяди.

***

Киши тушлик қилаётган пайтда тахминан 295 марта ютинади.

***

Ухлаётган хонангиз қанчалик совуқ бўлса, нохуш тушлар кўришингиз эҳтимоли шунчалик кўпаяди.

***

Ҳар етти сонияда дунёда битта чақалоқ туғилади.

***

Кулги қаттиқ ҳаяжонни пасайтиради ва аксинча иммунитетни кучайтиради.

***

Тўрт ёшли болалар ҳар куни ўртача 400 га яқин савол беришади.

***

Инсонда 100000 километрга яқин томирлар мавжуд.

***

Қандайдир ёқимли нарса ёки кишига қараганда, кўз қорачиғи 45 фоизгача катталашади.

***

Мовий ранг хотиржам қилиш хусусиятига эга. Агар киши мовий рангга қараса, мия ўз-ўзидан хотиржам қилувчи гармонларни ишлаб чиқаради.

***

Агар сиз қизариб кетсангиз, ошқозонингизнинг ички қисми ҳам қизғиш тус олади.

***

Ер юзида бошини бурмасдан ҳам ортдаги манзарани кўра оладиган иккита жонзот бор. Бу — тўти ва қуёндир.

***

Ақлли кишилар сочида рух ва мис миқдори бошқаларникидан кўра кўпроқ бўлади.

Узоқ умр кўриш сирлари

Узоқ яшаш инсоннинг ўз қўлида деган гапда катта ҳикмат яширинган. Қариш жараёнини тўхтатиб бўлмаса ҳам уни секинлаштириш мумкин. Японларнинг умр кўриши, аввало, уларнинг ўта меҳнаткаш, серҳаракатлигидандир. Қолаверса, улар бир кеча-кундузда қуввати 1500-1800 килокалорияга тенг таом истеъмол қилади. Албатта бундай парҳезга риоя қилиш қийин. Чунки одам тотли таомларни туйгунча егиси келади.

ЗАВҚ ВА МЕЪЁР БИЛАН

Узоқ умр кўришда ёруғликнинг ҳам таъсири бор. Шимолда яшайдиган одамларнинг тез қаришига нафақат оғир иқлим шароити, балки тунларнинг ёруғ бўлиши сабаб экан.

Тибет табобати хулосасига кўра, инсон маълум бир қоидаларга амал қилиб кун кечирса, бемалол 200 йил яшаши мумкин.

Тибет табобатида саломатлик манбаи деб меҳнатдан завқ олиб яшаш буюрилади. Негаки, одам ўз севган касбидангина завқ олади, яйраб ишлайди. Қолаверса, завқ билан қилинган меҳнат кишининг фикрини чархлайди, дунёқарашини кенгайтиради, вужудини яшартиради. Бундан энг аввал оиласи, кейин жамият наф кўради. Шунинг учун ҳам киши ўз қизиқишига мос юмуш билан шуғулланганги маъқул.

Тирикчилик ўтказиш учун таваккалчилик билан қилинган иш одамни чарчатиб, руҳини синдириб, тушкунлик гирдобига ташлайди. Кундалик турмушимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳунарини, касбини севган ҳунарманд ўз меҳнатидан завқ олиб мўъжиза яратади. Бировнинг қистови ёки пул топиш илинжида ҳунар эгалламоқчи бўлган одам ўзи қизиқмаган юмушни ҳафсаласизлик билан бажаради. Ҳафсаласизлик эса ҳунарнинг, касб-корнинг энг ёмон душманидир.

Бу жараёнда унинг феъл-атвори яхшиланиб, дунёга, одамларга муҳаббат кўзи билан қарайди, шу аснода руҳи қувватланиб, вужуди гўзаллашиб, соғайиб бораверади.

Одам ҳар бир нарсада меъёрни сақлаб, парҳезкор бўлиши керак. Доно зотларимиз парҳезгир бўлишган: нафақат овқатда, сўзда, гапни эшитишда ҳам меъёрни билишган. Таомни кам еб, кўкат ва сабзавотларни кўп истеъмол қилган. Кам гапирган, кам ухлаган, ҳалол меҳнат билан кун кечирган. Меъёрни унутган одам пала-партиш овқатланади, қорни тўйганини сезмайди. Бу ҳам етмагандек, иштаҳани қўзғайдиган ичимлигу зираворларга ружу қўяди. Бунинг оқибатида вужудга зиён етади, руҳ оғирлашади. Албатта, бу соғлиққа путур етказиб, умрни қисқартиради. Хоҳлаган пайтда, вақти-бевақт овқатланиш, шўр, аччиқ нарсаларга ширинликларни қўшиб истеъмол қилиш эса инсон танасидаги мутаносибликни бузади.

Ҳаёт мактаби

Кўйлакда сир кўп

Америкалик олимлар эмизикли оналарнинг либоси бола саломатлигига таъсир қилишини илмий жиҳатдан исботлашди.

Агар онанинг кўйлаги қизил ёки ёрқин зарғалдоқ рангли бўлса, бу боланинг асабини қўзғатади, инжиқ қилади, уйқусини қочиради.

Қора, жигарранг, қорамтир, тўқ кўк ранглар болани маъюс ва ҳорғин қилиб, кайфиятини бузаркан.

Оч ҳаворанг ва ним яшил ранглар гўдак асабини юмшатиб, тинчлантиради, уйқусини меъёрга солиб, кўзини қувонтиради.

Хуллас, олимлар оналарга юмшоқ, салқин рангли кийим кийишни маслаҳат беради. Бундай ранглар болага ором бахш этиб, соғлом ўсишига ёрдам беради.

Оила посбонлари

Мутахассислар эътироф этишларича, ота-онаси билан яшаган болалар, бобо ва бувилик хонадондагилардан икки баробар кўп касалликка чалинишаркан. Отаси ёки онаси йўқ кемтик оилада яшаган болалар бахти бекам оила фарзандларига нисбатан 30 баробар кўпроқ касалликка чалинар экан. Демак, нуронийларимиз нафақат хонадонимиз кўрки, балки фарзандларимиз саломатлиги посбонлари ҳамдир!

Мусиқа — даво

Тадқиқотларга қараганда, чақалоқларга энг яхши даво — сокин мусиқа экан. Бундай куйни тинглаб улғайган бола соғлом, қувноқ ва тез ўсиб, уларнинг ақли тенгдошларининкидан бир неча баробар илгарилаб кетаркан.

Ёлғизлик қаритади

Немис руҳшуносларининг фикрича, кун бўйи уйда қамалиб ўтирган одам тушкунликка берилувчан, жиззаки бўлади. Жамоа ҳаёти инсонда ўз кучига ишонч, ишчанлик кайфияти, ичидаги дард-аламни сиқиб чиқаришга ёрдам беради.

Уйда ўтириб қолганлар ўзларини ҳимоясиз сезади, ичига ютилган аламлар уларни тушкунликка, ёлғизлик ва тез қариб қолишга етаклайди.

Она сути — бебаҳо

Оналар боласини қанча кўп эмизса, кўкрак раки (саратон)га шунча кам чалинади.

Чақалоқлигидаги она сутини тўйиб эмган болалар мактабда математика ва бошқа фанлардан яхши ўзлаштиради. Суньий сут билан боқилган болаларда ўзлаштириш паст бўлиши кузатилган. Она сути бола миясини озиқлантиради. Бола она сутидан қанча эрта ажратилса, унинг дунёни таниш, тасаввур қилиш қобилияти шунча чекланар экан.

Қундуз СУЛТОНОВА тайёрлади

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19. 00
Topshirildi - 19. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718 | 13929 nusxada bosildi | 2345